

килади: *Англа ога, менинг айтган арзимни, / Изламаймиз Авазхондай тўрани (М.а. 31-бет); Кеча-кундуз ахду паймон қилибмен, / Туринг, ога Чамбил элга жўнайик (М.а. 32-бет).*

“Баҳром ва Гуландом” достонида *ога* лексемасининг *оғаларим* шаклдоши биргина ўринда учради ва “туғишган акадай яқин” маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Сайфур деган оғаларим бор эди, Бешови ҳам овда эди бу замон, Ҳар қайсиси мисли аждаҳо эди... (Б.Г. 34-бет).* *Ога* лексемаси баъзи халқ достонлари “муайян юртнинг эгаси, элнинг каттаси”

Адабиётлар

1. Б.Г. – Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. М.А. – Малика айёр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: ЎЗБМЭ., 1-жилд, 2006. 680 б.
4. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: 3-жилд, 2007. – 688 б.
5. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: 5-жилд, 2008. – 592 б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада қавм-қариндошликка оид лексемаларнинг тарихий-маиший ҳаётдаги ўрни, маънолари, этимологияси ва халқ достонларида қўлланилиш даражалари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о месте, значениях, этимологии и уровнях употребления лексем народного родства в исторической и бытовой жизни.

SUMMARY. This article talks about the place, meanings, etymology and levels of use of folk-kinship lexemes in historical and domestic life.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ОИЛА ТИЗИМИГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

М.Нарматова – ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: халқ достонлари, оила тизими, адабий тил, лексемалар, луғат, араб тили, туркий тиллар.

Ключевые слова: народный эпос, семейная система, литературный язык, лексемы, словарь, арабский язык, тюркские языки.

Key words: folk epics, family system, literary language, lexemes, dictionary, Arabic language, Turkic languages.

Оила арабча сўз бўлиб, тилимизда бола-чақа, хонадон: уруғ, авлод маъноларида қўлланилади. Нуфузли луғатларимизнинг бирида қуйидагича изоҳ берилган: 1. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуаи: хонадон (ЎТИЛ, III, 97-бет). Демак, оила тизими аъзоларига муайян бир оиланинг бошлиғи (эри) ва унинг хотини, фарзандлари (ўғил-қизлари) ва энг яқин туғишганлари (масалан, неvara, чевара ва эваралари) киради.

Қавм сўзи ҳам арабча сўз бўлиб, у муайян миллат, халқ, кишилар тўдасини ифодалайди. Кенг қамровда тасвирланганда, бир авлоддан (ота-онадан) тарқалган ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар (ака-ука, опа-сингил, неvara-чевара кабилар) бирлашмаси оила аъзолари тизими тил асосларини ташкил этади. Тилимизда **қариндош** лексемаси икки хил маънода қўлланилган: 1. Бир авлод аждодга мансуб бўлган кишилар, ота-она томонидан бўлган шахслар (бири бошқасига нисбатан); 2. Келиб чиқиш манбаи бир бўлган, бир-бирига яқин (ЎТИЛ, V, 249-бет). **Қариндошлик** лексемасида қариндош эканлик, қариндошларга хос боғланиш, муносабат, инсонлар ўртасида қон жиҳатида боғланиш маънолари мутасадд бўлса, **қариндош-уруғ** сўз бирлигида узок-яқин қариндошлар, хеш-акраболар, уруғлар ўз ифодасини топган. Халқ орасидаги қавм-қариндош (қавму қариндош) атамасида узок-яқин қариндош-уруғ, хеш-акраболар назарда тутилади.

Оила тизими оид лисоний бирликларнинг тадқиқотимиз объектига жалб этилган халқ достонларидаги қўлланилиши даражалари ва ҳолати қуйидагилардан иборат:

Ота лексемаси соф туркийча бўлиб, қўлланилиш доираси ниҳоятда кенг: ёзма ва оғзаки адабиёт намуналарида, шунингдек, оғзаки ва ёзма нутқда бир хил даражада қўлланилади.

Ота вазифасига кўра аввало, муайян оила бошлиғи, фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан). Шу боисдан ҳар бир жамиятда, кундалик ҳаётда **отанинг** ўз ўрни ва қадри бор. “Малика айёр” достонида **ота** ва **отам** лексемалари 19 мартадан хилма-хил ўринларда қўлланилган. **Ота эшит мен**

маъносида қўлланилиши кузатилган. Масалан, “Алпомиш”даги “Мени билсанг – Кўнғиротнинг оғаси. Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси” каби эпик қаҳрамоннинг нутқини хотирга келтиришнинг ўзи кифоя. Айни ҳолат биз ўрганган халқ достонлари матнида учрамади.

Хулоса қилиб айтганда, қавм-қариндошликка оид лексемаларни тўплаш, уларни этимологик хусусиятларини ёритиш ва халқ достонларида қўлланилиш даражаларини аниқлаш тилшуносларнинг олдида турган вазифаларидан бири ҳисобланади.

айтган нолишимни, Сел қилиб тўкарман кўздан ёшимни (11-бет). Ота хафа қилма мендай улингни, Бу гафлатда туриб, сўра элингни (11-бет). Излаб топсанг Чамбилдайин шаҳарни, Албатта, отам бергин хабарни (81-бет). Мазкур халқ достонида **ота** лексемасининг **отага, отадан, отажон, отажоним** каби 30 га яқин шаклдошлари, шунингдек, **отам** лексемасининг **отамиз, отамни, отамнинг** каби 22 та шаклдошлари қўлланган. “**Отамдай** яхшилик қилган қаландар, Мен келарман, жоним бобом, хўш энди (194-бет). **Авазхон** отасини бу аҳволда кўриб, олисдан ҳолу-аҳвол сўраб, бир сўз деб турибди (10-бет). “Баҳром ва Гуландом” достонида **ота** лексемаси 18 марта қўлланган. Шунингдек, унинг **отаси, отангиз, отам-а, отасидан** сингари 59 та шаклдошлари қўлланилганлиги аниқланди.

Яна бир лисоний ҳолат кузатилди. Таҳлил қилинган ҳар иккала дoston матнларида **ота** лексемасига **бобо, она** сўзларининг қўшилиши натижасида янги маънолар ҳосил қилинган. Масалан, илгари яшаб ўтган кишилар, аждодларга нисбатан **ота-боболар** ёки болаларнинг ота ва онасига нисбатан **ота-она** шаклидаги бирикмаларнинг қўлланилиши фикримизни далиллайди: *Ҳамма ҳам уйланиб, хотин олган. Отам ҳам албатта бу ишни қилган. Бу ишлар ота-бободан қолган, Отасини қўйиб қизига гапирган (Б.Г. 111-бет). “Ўйланг Чин шаҳрида бунинг неси бор?! Ота-она, қариндошлар интизор (Б.Г.105-106-бет). Мен девларнинг қўлидан сени қутқараман, ота-энамга, қавму-қариндошингга омон-эсон етқарарман (М.а. 76-бет).* Достонларнинг матнида **ота-бола** шаклидаги лексик бирикмалар ҳам мавжуд. *Сог-саломат бора берсин меранлар. Ота-бола топишгандир, муқаррар (М.а. 202-бет).*

Она лексемаси соф туркийча сўз бўлиб, барча туркий халқларда айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланади. Қадимги туркий тилида **ана** (ДТС, 43-бет) фонетик вариантыда фаол қўлланган ушбу истилоҳ ҳозирги абадий тилимизда “фарзанди ёки фарзандлари бўлган (ўз туккан фарзандларига нисбатан) маъносидаги **эна, она** (ЎТИЛ, 3, 125-бет) лексемалари кундалик- маиший ҳаётда, оғзаки ёки ёзма нутқларда, айнан уларга дахлдор оғзаки ёки ёзма асарлар

матнларида жуда фаол қўлланилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз бу ўринда тадқиқотимизга тегишли бўлган фольклор асарларни назарда тутаяпмиз. Фикримизни далиллаш мақсадида айрим мисоллар келтирамиз. *Эрка тутса онаси, талтаяди боласи. Бола йиғламаса, она сут (эмчак) бермас* каби халқ мақоллари бежизга яратилмаган. Она, эна лексемаси халқ дostonларида ҳам фаол қўлланган. Масалан, “Малика айёр” дostonида адабий тилдаги она сўзининг кичик шевасига хос, фонетик ўзгаришга учраган эна шакли (энам, энамга, энамни, энамнинг, энамсиз, энанг, энангга, энангнинг, энаси каби вариантлари) 28 ўринда қўлланганлиги кузатилди. Худди шундай мулоҳазани “Баҳром ва Гуландом” дostonидаги эна лексемасига нисбатан айтиш мумкин. Лекин бу дostonда бир мунча кам микдорда: энам 2 марта, энадан, энамнинг, энаси сўз бирликлари эса 1 мартадан қўлланганлиги кузатилди. Мисоллар келтирамиз: *Шунда Гуландом: - Менинг энам ёшигимда ўлиб кетган. Шундан бери мени андиша қилиб отам уйланмай юрган* (Б.Г. 112-бет). *Доғу қижрон гамга тўлган, Баҳромга эмчак берган, қуриб Баҳромдай ўғлини, Шу замон энаси келган* (Б.Г. 118-бет). *Аваз ўғлон, сенга айтар арзим бор, Энанг чориларга подшоҳ вақтида, Бизлар эдик ул энанга хизматкор* (М.а. 39-бет). *Бино бўлдинг қайси гавҳар дондан, Сендай ўғлон бино бўлмас энадан* (М.а. 155-бет) каби.

Ака лексемаси ҳам соф туркийча сўз бўлиб тилимизнинг изоҳли луғатида “Бир ота-онадан катта ўғил (ўзидан кичикларига, укаларига нисбатан) катта ака, ўртанча ака, кичик ака (ЎТИЛ, I, 60-бет), - деган маълумот берилган. “Малика айёр” дostonида бу лексема 7 ўринда қўлланган бўлса, “Баҳром ва Гуландом”даги унинг аканг 2 марта, аканг шакли 1 марта қўлланилганлиги кузатилди. Масалан: *Бурун кетсам энди сира кетмайман, / Акам билан бир тегишмай ўтмайман. / Обод экан, мана, акангнинг жойи, / Шундай бўлди, бугун унинг авзойи, / Аканг экан бунда Гулистон шойи (шоҳи)* (Б.Г. 36-бет); *Хабар беринг, Шодмон ака, / Энагарни отсаммикан* (М.а. 17-бет); *Шодмон ака, эшит айтган сўзимди, / Саломат кўрайик ўғил-қизимни* (М.а. 45-бет).

Ука лексемаси ҳам соф туркийча сўз бўлиб, у бир оиладаги ота-она ўғилларидан кичиги (яъни катта ёшдаги фарзандларига нисбатан) маъносини билдиради. Умуман, фарзандларининг кичиги, катталарига нисбатан кичикларига мурожаат қилинадиган номи “Баҳром ва Гуландом” дostonида ука лексемаси бир ўриндагина қўлланган: *Энг кичикинтойи гўдайи бориб: “Кимсан? Бу ерда нима қиласан? – деди. Шунда шаҳзода ўрлаб, гарангликка солиб, аста билагидан ушлаб олиб, бир гўшада толга боғлаб қўйди. Навбат-навбат уч укаси борди, учовини ҳам бир гўшага боғлаб қўйди* (Б.Г. 37-бет). Ушбу матнда кичикинтойи лексемаси кичрайтириш, эркалаш маъносида қўлланган. Аслида кичик форсча сўз бўлиб, майда, унча катта бўлмаган маъносини ифодалайди. “Малика айёр” дostonида **ука** сўзи бирлиги умуман қўлланмаган.

Сингил: бир ота-онадан туғилган қизларнинг кичигини ифодоловчи бу лексема ҳам соф туркий сўз бўлиб, опаларига, акаларига нисбатан қўлланади. Бу лексик бирлик кундалик - маиший ҳаётда фаол қўлланади. Биз ўрганган дostonларда ҳам эпик қаҳрамонларнинг бири сифатида тилга олинган: *Девларнинг қўлида гариб, мунгайиб / Энам, сингилм йиғлар сочини ёйиб* (М.а. 156-бет); *Неча канизлар билан келиб сингиси, / Баҳромга ер ўпиб таъзим қилди* (Б.Г. 42-бет); *Сайфурнинг париваш сингиси бор, / Сингисини Сайфур отамга берсин, / Мен кетгандан сўнг ёлғиз боши қолмасин / Сайфур билан қуда-анда бўлсин* (Б.Г. 112-бет).

Ўғил лексемаси ҳам соф туркийча бўлиб, “бир ота-онадан пайдо бўлган эр жинсидаги фарзанд” маъносини ифодалайди, кундалик - маиший ҳаётдаги нутқда фаол қўлланилади. Мазкур лексик бирлиكنинг фольклор намуналарида ҳам ўзининг муносиб ўрни бор. Масалан, *Ўқиган ўғил-отадан улуғ, Ўғли борнинг ўрни бор – қизи борнинг қадрни бор* каби ўнлаб мақол намуналари бежизга яратилмаган. Биз ўрганган халқ дostonларидан “Баҳром ва Гуландом” матнида ҳам ўғил лексемасининг хилма-хил шакллари ва маънодош-синонимлари қўлланганлигини кузатдик: *Хотиннинг ойи, кунни яқин эди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа орадан ўтди. Шунда бу хотин ўғил топди. Пайдо бўлган чақалоқ уч-тўрт ёшга кирган баччадай эди.* (Б.Г. 6-бет). Мазкур дostonда ўғил лексемасининг ўғилни, ўғилнинг, ўғилсиздан, ўғли, ўғлидан, ўғлим, ўғлиман, ўғли, ўғлини каби шаклдошлари 14 ўринда қўлланганлиги аниқланди.

Ўғил лексемасининг синоними бўлган ўғлон сўз бирлигининг ҳам ўғлонга, ўғлони, ўғлонни, ўғлонсан каби шаклдошлари матнинг 11 ўрнида берилганлиги маълум бўлди: *Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда, / Ғайратингдан шоҳлар бўлар пиёда, / Ажойиб ўғлонсан, фоний дунёда, / Хабар бергин, болам, қайдан келасан.*

Келтирилган матнда ўғлон (ўғил) лексемаси болам сўз бирлигига ҳам маънодош-синоним бўлиб келганлигини кузатамиз. Бундай лисоний ҳолат дostonнинг бошқа матнларида ҳам учрайди. Бу ўринда битта мисол келтириш билан чегараланамиз. Эпик қаҳрамонлардан бири – ёши етти юз элликка кирган “Кўҳак кал” бобонинг Баҳромга қилган дастлабки мулоқотида ўғлимга нисбатан бўтам, болам, улим, қўзим, қайсар каби сўз бирикмаларининг синоним бўлганлигини кўрамыз. Матннинг қисқарган шаклига эътибор қиламиз: *Хабар бергин, бўтам қайдан келасан? / Қай шаҳарда, қайси шоҳнинг улсан?... / Ажойиб туғилган сен ҳам энадан, / Хабар бергин, қўзим, қайдан бўласан? / Нима дейди ўйнаб-ўсган юртингни, / Шер ўмганли, қайсар, қайдан бўласан, / Жасадинг ўхшайди бўз қарчигайга, / Парвоз қилиб, болам қайдан келасан.* (24-25-бет).

Адабий тилдаги ўғил лексемасининг оғзаки нутқдаги, айниқса, кичик шевасидаги шаклдош-маънодош, синонимлик вазифасини бажарувчи вариант (кўриниши) ул (яъни ўғил) саналади. Шевага хос бу лексеманинг улиман, улинг, улини, улсан каби шаклдошлари ҳам 1 мартадан жами 4 та ўринда ўғил маъносида қўлланганлиги кузатилди: *Отам ҳам энамнинг жони-дилиман, / Хурум элда Хисрав шоҳнинг улиман* (26-бет); *Қайси шаҳарда, қайси шоҳнинг улсан? / Абзор бўлиб бу ерларда юрурсан! / Нима ишда бунда келиб турурсан?* (24-бет); *Англаб билгин энди, шоҳим, / Баҳромдайин улинг келди / Сенинг жони дилинг келди / Бозингда гулинг келди* (117-бет).

Тадқиқотимиз таҳлилига жалб этилган “Малика айёр” дostonи матнига назар солсак, ул (ўғил) лексемасининг бироз кам микдорда қўлланилганлиги, улар асосан, улим, улиман, улингни, улини, уллар, улман каби шаклдошлари мавжудлигини кузатдик.

Қиз лексемаси ҳам соф туркий сўз. Кундалик-ижтимоий турмушда фаол қўлланувчи лексик бирлиكنинг маънолари ҳақида нуфузли луғатимизда қуйилгича изоҳ берилган: 1. Балоғатга етмаган аёл. 2. Хотин жинсига мансуб фарзанд (ўз ота-онасига нисбатан). 3. Балоғатга етган, аммо ҳали эрга тегмаган аёл, маъсума, бокира (ЎТИЛ, 5, 276-бет). Ушбу лексеманинг маънолари “Малика айёр” дostonи матнида хилма-хил шаклларда жуда фаол қўлланилган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, қиз, қизи лексемаларининг ҳар бири 17 мартадан, қизлар сўз бирлиги 78 марта матнда кўпланган. Шунингдек, қизини 23 марта, қизлари 7 марта, қизларим 6 марта, қизларнинг 10 марта,

қызларни марта учраганлиги аниқланди. Статистик маълумотларнинг тасдиқлашича қизга, қизда, қизди, қизидан, қизимди, қизимизни, қизин, қизнинг, қизларига, қизларим, қизларинг, қизларман, қизман, қизинг, қизининг, қизсизлар каби шаклдошлари 1 мартадан қўлланган. Айрим мисоллар келтирамиз: *Ана шунда Оқдевиш қизига юзукни берди. Тиллақиз юзукни олмади. Отасининг аччиги келиб, қизига қараб, қойиди, урушди. (М.а. 111-бет). Унда қизлар бориб, тўққсон учта дев айтиб келди. (М.а. 112-бет). Девлар қизининг айтганидан ҳам зиёдароқ қилиб, маҳкамлаб, созлаб, қудуқнинг оғзини кўргошин билан маҳкам қилиб олди. (М.а. 46-бет). Атрофини кўп барно қизлар қуршаб турибди (М.а. 53-бет) каби.*

Булардан ташқари, “Малика айёр”да қиз лексемасига дахлдор қизлар-парилар, қиз-келинчак, қиз-санамлар, қиз-хотинлари каби жуфт ҳолатдаги лексик бирларнинг ҳам қўлланилганлиги аниқланди: *Қиз-санамларнинг вақти хуш бўлиб, ўйин-томоша қилиб ўтира бердилар (М.а. 190-бет). Чамбилнинг ҳамма қиз-хотинлари том-томнинг бошида туриб томоша қилиб турибди (М.а. 16-бет). Меҳмон бўлингиз бир кеча, Хизмат қилар қиз-келинчак (М.а. 183-бет).*

“Баҳром ва Гуландом” достонида қиз ва унга дахлдор лексемаларнинг қўлланилиши даражасини кузатилганда, қуйидаги ҳолатлар аниқланди: қиз 15 марта, қизинг 9 марта, қизлар 12 марта, қизни 8 марта, қизи 5 марта, шунингдек, қиздай, қизди, қизига, қизим, қизимни, қизини, қизингизни каби ўндан ортиқ лексемалар бир-икки мартадан қўлланганлиги маълум бўлди. Шунини айтиш лозимки, уларнинг ҳаммасида ҳам қиз сўз бирлиги “фарзанд, зурриёт, бир ота-онанинг боласи” маъносида қўлланилган. *Зурриёт* лексемаси аслида арабий сўз бўлиб, болалар, насл маъносини ифодалайди. Халқ дostonларида бу лексема “бир аждоддан тарқалган авлод, насл-насаб, зот (ЎТИЛ, 2, 165-бет) маъносида қўлланилган: *Ташлаб кетдинг бундай мамлакатингизни кўролмаймиз сендай паризотимни, Қонлар ютиб ёд қиламиз зурриётингизни (М.а. 121-бет).* Бу лексема “Баҳром ва Гуландом” достонида бирор марта қўлланилмаган.

Зурриёт, фарзанд каби лексемаларга маънодош-синонимлик вазифасида қўллана оладиган бир қатор сўзлар (масалан, ўғил-қиз, бола-чақа, нева-эвара каби) ҳам борки, уларнинг ҳаммаси оғзаки нутқда, фольклор асарларида кўплаб миқдорда қўлланилади. Оила аъзолари, хотин ва болалар, катта-кичик болалар, ўғил-қиз, бола-бақра каби маъноларни ифодаловчи лексемалар қуйидаги матнда ўз ифодасини топган: *Шодмон ака, эшит сўзди, / Фалак уриб қолди қизди, / Кўролмаймиз улу-қизди / Иккимизга не бўлди, / Жавоб тиланг, бирга-бирга қайтайик, / Бола-чақа қолмасинда қон йиғлаб, / Шодмон ака, эшит айтган сўзимди, / Саломат кўрайик ўғил-қизимди (М.а. 45-бет).*

Маълум бўладики, *фарзанд, бўтам, болам, зурриёт, бола-чақа* каби лексемаларнинг ҳаммаси “ўғил-қиз” лексик бирлигига синоним бўлиб хизмат қилган.

Бола (бачча) лексемалари кўпинча оиланинг фарзанди, аъзоси маъноларини ифодалайди ва

қундалик-маиший турмушда фарзанд сўз бирлиги ўрнида қўлланади; Маънодош сифатида синонимлик вазифасини бажаради. Тилимизнинг нуфузли луғатида бу лексемага: 1. Янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажралмаган гўдак, чакалоқ; 2. Ҳали ёш, вояга етмаган одам, деган изоҳ берилган (ЎТИЛ, 1, 305-бет). *Бачча* лексемаси ҳам *бола* сўз бирлигига синоним бўла олади. Бири (бачча) форсий сўз, иккинчиси (бола) соф туркий сўз. Демак, қундалик турмушда ҳар иккаласи ҳам бири иккинчисининг ўрнида қўлланиши мумкин. Лекин, барибир уларнинг ҳар бирида “фарзанд” маъноси мужассамлашган. “Баҳром ва Гуландом” достонида *бола* лексемаси 4 марта, *болам* 14 марта, шунингдек, *бола-чақа, бола-чақамизни, боладан, боладир* каби шаклдошларининг ҳар бири 1 мартадан қўлланганлиги аниқланди. Мазкур достонда *бачча* лексемаси 2 марта, унинг баччадай шаклдоши 1 марта учради. Айрим мисоллар келтирамиз: *Энди бу бола бир, икки, уч ёшга етди. Уч ёшга етгандан кейин илм ўргансин, деб мактабга берди (Б.Г. 7-бет); Жон болам овга кетиб борасан, овдан болам, не фурсатда келасан? (Б.Г. 176-бет); Бу бачча бундайин ишини қилади, / Новшодни ўлдириб қайда боради, / Омон бормай бунини тўтиб олайик (Б.Г. 93-бет).* “Баҳром ва Гуландом” достонида *бола* лексемаси *чақа* шаклдоши билан жуфт ҳолда қўлланилганда “катта-кичик болалар, бола-бақра, оила аъзолари (хотин ва болалар)” (ЎТИЛ, 1, 308-бет) маъноларини ифодалаши кузатилди: *Энди уруш бекор бўлган, / Бизга жавоб беринг қайсар, / Қорайди бола-чақалар, / Бизни урушга кетган, дейди, / Юраги жизиллар бари (Б.Г. 103-бет); Омон-эсон элга борсак, / Бола-чақамизни кўрсак, / Бизларга бахтли давлатда (Б.Г. 104-бет).*

Бола (чақа) лексемаси “Малика айёр” достонида *бола* лексемаси ҳам анча фаол учрайди. Матнда 24 та ўринда қўлланилган, *болам* варианты эса 40 марта учрайди. Булардан ташқари *боладан* (5 марта), *боланинг* (4 марта), *болажон, боламни* (3 марта), *боласи, болага* (2 марта), шунингдек, *бола-чақа, бола-чақали жуфтликлари, болалаб, болам-ей, боламан, боламиздан, боламизни, боламизнинг, боламни, боласидан, боласин, боласини* каби сўз бирикмаларининг ҳар бири 1 мартадан қўлланилганлиги аниқланди. Бу ўринда айрим матни, мисоллар келтириш билан чегарланамиз: *Шаҳзода бола девларнинг ҳамма нарсаларини билар эди (154-бет). Бесоқол боламизнинг ҳоли қандай бўлди, - деб ўзининг манзили - маконига борди (162-бет). Билдик, биздай мерган ғариб ўлади, Гулсанамдай ёрим кимлар олади, Бола-чақам етим-есир бўлади, Жавоб берсанг, Аваз, қандай бўлади? (44-бет). Кўрамизки, бола-чақа лексемасининг “Малика айёр”да қўлланиш миқдори “Баҳром ва Гуландом”га қараганда озчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳаммасида “фарзанд” маъносида ўз ифодасини топган.*

Хуллас, юқорида биз танишиб ва изоҳлаб чиққан лексемаларнинг ҳаммаси оила тизимига оид лексик бириклар саналади, уларни ўрганиш, тўплаш ва луғат сифатида чоп этиш тилшуносларнинг олдида турган вазифаларидан биридир.

Адабиётлар

1. Б.Г. – Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. М.А. – Малика айёр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. – Тошкент: ЎзбМЭ., 1- жилд, 2006. 680 б.
4. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. – Тошкент: ЎзбМЭ., 2-жилд, 2007. – 688б.
5. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. – Тошкент: 3-жилд, 2007. – 688 б.
6. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. – Тошкент: 5-жилд, 2008. – 592 б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада оила тизимига оид лексемаларнинг тарихий-маиший ҳаётдаги ўрни, маънолари, этимологияси ва халқ дostonларида қўлланилиш даражалари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о роли, значениях, этимологии лексем, связанных с семейным строем, в исторической и бытовой жизни, а также об уровнях их употребления в народных эпосах.

SUMMARY. This article talks about the role, meanings, etymology of lexemes related to the family system in historical and domestic life, and the levels of their use in folk epics.